19 МАЙ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 112 (5403)
19 МАЙ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА— ЗАРБДОР СУРЪАТ

ЎН МИНГ ТРАКТОР

БУГУН

50 йиллиги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқаришмасидан бошлаб бери бирлашмасида коллективи КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларн қарорларига амалий меҳнат билан жавоб бермоқда. Бу ерда серқуёш ўлкамизнинг муборак юбилейини муносиб кутиб олиш учун ташаббускорлик ҳаракати қизғин давом этмоқда.

Сергайрат коллектив асосий маҳсулот — қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш билан бир қаторда кенг истеъмол молларн тайёрлашда ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Яқинда корхонада уй бекаларн мушкулини осон қилувчи янги мактн қозонлар оммавий миқёсда тайёрлана бошланди. Ушбу маҳсулотнинг ўзлаштирилиши заводнинг юбилей йили режаларн амалга оширишнинг бир белгисидир. Айни пайтда бу ерда олтн хилдан зиёд эл эҳтнёжига мос буюмлар тайёрланмоқда. Залворли йилда завод коллективи 3 миллион 520 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга бел боғлаган.

Шаҳримиздаги «Ташхимсельмаш» заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларн қарорларига амалий меҳнат билан жавоб бермоқда. Бу ерда серқуёш ўлкамизнинг муборак юбилейини муносиб кутиб олиш учун ташаббускорлик ҳаракатн қизғин давом этмоқда.

ти. Бу бригада шаҳардаги илғор бригадалар билан биргаликда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ўстириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштиришга ваъда берганди. Ташаббускорлар ўз ваъдаларини муваффақиятли адо этишяпти. Коллектив биринчи кварталн товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 102,9 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 124,5 процент адо этганди. Тўрт ойлик ҳам ана шундай юксак кўрсаткичлар билан якунланди.

Бирлашмадаги Н. Сидоренко, С. Шульженко, Н. Пьянкова бошлиқ бригадалар ҳам коллективдаги мусобақада пешқадамлик кўрсатиб, тез ва соз меҳнат қилиш намунасини кўрсатишяпти.

ЯНГИ ШАМПУНЬ

Шаҳримиздаги уй-эълик фабрикасида хотин-қизларга хуш келадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. Корхона коллективи маҳсулотларнинг харидоргирлигини ошириш, сифатини юксалтириш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Бу ишда фабрика лабораторияси ходимлари, айниқса унумли меҳнат қилишмоқда.

Яқинда бу ерда янги хил маҳсулот — кичик ҳажмдаги шишаларга жойланган сифатли шампунь ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Барча хилдаги сочларга мўлжалланган ушбу маҳсулотдан йил охиригача 950 минг дона тайёрланади. Коллектив беш йиллкнинг тўртинчи йилида 96 миллион сўмликдан кўп маҳсулот тайёрлаш учун курашмоқда.

Истеъмол буюмларига—кенг йўл

ТАШАББУСКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Ермилович Тихомолов «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси механизаторларн ва корхона атрофидаги микрорайонларнинг аҳолиси билан учрашди. Адиб китобхонларнинг кенг даврасида ўз асарлари қандай яратилганлигини сўзлаб берди, уларнинг кўпгина савалларига жавоб берди. Б. Е. Тихомолов бу учрашувдан оладнган қалам ҳақини совет Тинчлик фондига ўтказди.

ЯНГИ СПОРТ МАКТАБИ

Новомосковская кўчасида, «Меҳнат» спорт комплекси билан ёнма-ён янги болалар спорт мактаби бунёд этиляпти. 1176 ўринли бу чиниқиш мактаби қурилиши шу йилнинг бошида бошланган эди. Олти қаватли мактаб корпусида спорт заллари, спортнинг турли хил турлари бўйича машғулот ўтказувчи ўқув хоналари, ошхона, кийиниш хонаси, душхона ва бошқа хизмат хоналари бўлади.

Бош пудратчи «Главташкентстрой»н и н г 159-трестига қарашли 8-қурилиш бошқармаси объектда 1,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириши керак. Ҳозирда монтаж ишлари жадал суръатда олиб бориляпти. Комплекс қурилишида Н. Зобнин, Н. Курач, В. Шуваров, В. Объедков, Ю. Рязанов бошлиқ бригада қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Улар ўтган ойларда яхши меҳнат қилдилар. Объектда 500 минг сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ягона сиёсий кун

КОЛЛЕКТИВ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШДА

КИНО САНЪАТИНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАСИ

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН



Пионерлар байрами

Бугун қизил галстукли пионерларимиз В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунининг 62 йиллигини нишонламоқдалар. Ана шу шонли байрам арафасида Советлар мамлакатининг ёш авлоди қатор қизиқарли тадбирлар ўтказди. Район пионер ташкилоти слёти, шаҳар пионер ташкилотлари Советининг кенгайтирилган йиғилиши ташкил этилиб, уларда энг муносиб пионер вожатийларга, комсомол раҳбарларига Тошкент шаҳар комсомол комитетининг ёрлиқлари, «Пионерлар билан фаол ишлаганлиги учун», «Вожатий — инструктор», «Вожатий— методист» нишонлари топширилди.

Шаҳар пионер ташкилотларининг ҳаёти ўнлаб қизиқарли тадбирлар билан ибратлидир. Бугунги кунда Ленин ва Сергели районларининг пионер ташкилотлари иши таҳсинга сазовор бўляпти. Масалан, Сергели районидаги 10 та пионер дружинасидан еттитаси пионерлик ҳаракатида пешқадамлик қилмоқда. 2, 7-мактабларнинг пионер дружиналари ўзининг изланувчан иши учун Улуғ Ватан уруши ветеранлари Совети Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Ленин районидаги «Қилич ва қалқон» ўсмирлар клуби ишда яхши натижаларга эришмоқда. У Бутуниттифоқ «Светофор» мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллаб, «Пионерская правда» газетасининг совринн билан мукофотланди. Шаҳар пионерлари металлом, макулатура тўплаш бўйича катта иш олиб бормоқдалар.

Бугун — пионерлар байрами. Ҳамма жой — мактаблар, шаҳар боғлари, пионерлар ва ўқувчилар саройлари болалар билан ғоятда файзли.



• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Район ижроия комитети иши кўрилди

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида халқ депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетининг КПСС XXVI съезди қарорлари, партия ва ҳукуматнинг кейинги директив ҳужжатларнин кўрсатмаларнн бажариш юзасидан бошқарув фаолиятнни янада яхшилаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ишнинг услуб ва методларнни такомиллаштириш юзасидан маълумотларни эшитиб, бошқарув фаолиятн даражасини ошири

• КОММУНИСТ ЎЙЛАРИ

Жанговар программа

КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми қарорлари, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи ҳар бир коммунистни, ҳар бир совет кишисини тўлқинлантираётган саволларга жавоб берди. Дарвоқе Пленумда қабул қилинган қарорлар аҳамияти жуда каттадир.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорда комсомол етакчиларига зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юкланган. Мен ёш коммунист сифатида комсомоллар ўртасида иш олиб боряпман. Қарорнинг ҳаётбахш сатрлари ҳар биримизнинг онгимиз ва қалбимиздан чуқур жой олди. Биз ўз зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этяпмиз.

Бирлашмамиз ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун курашмоқдалар. Кейинги пайтларда конструкторларимиз 65 хил янги моделдаги трикотаж буюмларини яратдилар. Албатта, бу хотин-қизлар, эркаклар ва болалар учун мўлжалланган буюмлар харидорларга маъқул келиши турган гап. Негаки, уларни дидн юксак, талабчан бадний совет аъзолари маъқуллашган.

Пленум қарорларига жавобан маҳсулот сифатини оширишда ҳозирдаёқ бир мунча натижалар қўлга киритилмоқда. Масалан, бадний совет томонидан ўнлаб моделларимиз давлат Сифат белгисига сазовор бўлди. Ўттиздан знёд буюм янгилик индекси билан ишлаб чиқарилади.

Лекин ҳали коммунистлар, барча меҳнатчилар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турганини яхши тушунамиз. Партия XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарордарини изчил амалга ошириш учун курашиб, эришилган натижаларни, ҳар биримизнинг унга қўшган ҳиссамизни яна бир бор назардан ўтказяпмиз, эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлашга интиляпмиз. Ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида иш самарадорлиги ва сифатини янада оширишга резервлари бор, албатта. Асосий эътибор ана шунга қаратилмоқда. Мен ўзим ҳам коллектив ютуғига иложи борича кўпроқ ҳисса қўшишга интиляпман. Биргина мен эмас, тўқув цехимизнинг барча ишчилари ҳам дақиқалар қадрига етиб ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги ишчининг дидн юқори. Агар ишлаб чиқаришга янги моделдаги буюмлар келиб турса, ишчилар ҳам қандайдир янгича ғайрат билан ишлашади. Айниқса моделчилардан В. Авакесова яратган буюмлар, М. Круглова ва бошқалар яратган болалар кийимлари кейинги вақтларда ишчилар дидига анча мос тушмоқда. Коллектив ишлаб чиқараётган трикотаж буюмларн қанчалик харидоргир бўлса, ҳар бирнмиз бундан чексиз фахрланамиз. Уларга маҳсулотларни манзур қилиш учун қанчадан-қанча меҳнат ва изланиш талаб этилади, албатта. Бунда моделчининг ҳам, тўқувчининг ҳам — бутун коллективнинг ҳиссаси бор.

Корхона маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба союз комитети яратиб бераётган шарт-шароитлар ҳам иш унумига ижобий таъсир кўрсатяпти. Биз, ишчилар учун қўпгина қулайликлар яратилди. Масалан, ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари, мазали овқатланишларн учун кўпгина тадбирлар амалга ошириляпти. Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган катта ғамхўрлигига жавобан коммунистлар етакчилигида меҳнат коллективлари амалий иш билан жавоб беришга, зиммаларидаги топшириқларни муваффақиятли адо этишга интилмоқдалар.

М. БОСИТХОНОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммунистик меҳнат зарбдори.

• *Меҳнатинг — зийнатинг*

ШАРАФЛИ БУРЧ

Троллейбусни мустақил бошқара бошлаган куни Эргашнинг хотирасида бир умр сақланади. Устозлар уни йўлга кузатиб қолишаркан касбни яхши кўриш ва эъзозлашга, йўловчиларга ширинсухан ва меҳрибон бўлишни тайинлаб, оқ йўл тиладилар. Ў темир йўл вокзали — Калинин майдони маршрутида аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиш сирларини ўрганди.

Пойтахтимизда 10-троллейбус маршрути очилиб, ҳамшаҳарларимизга яна бир қулайлик яратилди. Бу янги маршрутда ишлаш учун малакали ҳайдовчилар таклиф этилди. Эргаш эса машрут графигини тузишда фойдали фикр ва мулоҳазалари билан актив қатнашди.

Ҳозирда 1-троллейбус депоси дарвозасидан ҳар куни 88 та троллейбус чиқса, шундан 15 таси Эргаш Ниёзалиев хизмат қилаётган Тикувчилар саройи — Қорақамиш массиви орасида ҳаракат қилиб, 15—16 минг йўловчини манзилга элтмоқда. Эргашнинг фидокорона меҳнати туфайли иш нормаси ошиғи билан адо этиляпти.

Коммунист Э. Ниёзалиев маҳоратли ҳайдовчилар сафига қўшилди. У 10-троллейбус маршрутида бригада методи билан ишлаш ташаббусини бошлаб берди. Кадрларнинг қўнимсизлигига чек қўйилди, меҳнат интизоми, сиёсий тарбиявий ишларнинг намунали йўлга қўйилиши пассажирлар ташиш таннархини 0,5 процентга камайтирди.

Э. Ниёзалиев ёш ҳайдовчиларни истиқболли йўлга бошлади. Унинг шогирдлари Т. Мирзаев, А. Файзиев лар, Р. Тиллахўжаев, И. Аббосов, А. Егорқина каби илғор ҳайдовчилар сафини тўлдирди. Ҳар бир машиланинг иш режими 11—11,5 соатга кўтарилди, йўловчилар ташиш сони ҳам 2 мингга кўпайди. Ёш коммунистлар Т. Тўлабоев, К. Ли, С. Султоновлар аҳолига намунали хизмат кўрсатиш сирларини ўз мураббийлари Э. Ниёзалиевдан ўргандилар.

Мусобақа пешқадами Э. Ниёзалиев 20 йилдан бери аҳолининг троллейбус хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришда катта ҳисса қўшиб келяпти. Миллион километр йўлни бехатар босиб ўтган авариясиз юрувчилар мастери ўзининг ғайрат-шижоати билан йўловчилар ташиш беш йиллик планини 3,5 йилда маррасига етказиш мақсадида ҳар тонг ўз шарафли бурчини бажаришга ошиқади.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ СУВ ЙЎЛИ

БЕРЛИН. ГДРнинг жанубидаги йирик округ маркази бўлган Дрезденни республиканинг Болтиқ денгизи соҳилидаги портлар билан мунтазам дарё боғлаб турибди. Бу ерда кемалар Эльбадаги шаҳардан мамлакатнинг асосий сув йўли орқали шимолга, сўнгра каналларнинг мураккаб системаси — бошқа дарёлар орқали қатнаб туribди. Гарчи янги сув йўли Дрездендан ГДРнинг асосий денгиз порти Росток шаҳригача бўлган темир йўл маршрути масофасидан қарийб 300 километр олис бўлсада, ҳисоб-китоблар сув йўлидан фойдаланиш юк ташишда ёқилғи, энергия ва бошқа моддий харажатларни сезиларли даражада иқтисод қилиш имконини беришини тасдиқлади.



Чехословакия халқи совет халқи ва унинг шавкатли армиясидан ҳамиша чуқур миннатдордир. Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганига 39 йилдан ошди.

Архивдан олинган ушбу суратда ўз ҳалоскорларини қутлаётган прагаликлар тасвирланган. Совет қўшинларининг шаҳарга кириб келиши умумхалқ байрамига айланиб кетди.

ЧТК—ТАСС фотоси.

* * *

Францияда металлургия саноати меҳнаткашлари касаба союзлари даъвати билан кўплаб корхоналарни беркитиш ва ўн минглаб ишчи ўринларини тугатишни кўзда тутган ҳукумат режаларига қарши намойишлар бўлиб ўтди.

СУРАТДА: Мец шаҳрида металлургларнинг оммавий намойиши.

Кейстон—ТАСС фотоси.



ФОТОАХБОРОТ





ПОЧТАЛЬОНЛАР КОНКУРСИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўз касбининг устаси номини олиш учун почтальонлар конкурси қизиқарли ва мазмунли ўтди. Унда республиканинг ҳамма томонларидан келган почта бўлимлари ходимлари иштирок этишди. Талабчан жюри почтальоннинг касб маҳоратини қанчалик ўзлаштирганини, назарий билимларини ҳисобга олди. Оперативлик, топқирлик, мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қила билиш каби хислатлари текширилди. Чунки корреспонденцияларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ва бизнинг кайфиятимиз ана шуларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Конкурс қатнашчилари кўпгина кўрсаткичлар бўйича аъло натижаларга эришдилар. Бунда энг муҳимига кўз жиҳатдан боғланинг ютуқлари бўлибгина қолмай, балки шундай мусобақалар жараёнида намоён бўлиши ва бизнинг кайфиятимиз ана шуларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Конкурс қатнашчилари кўпгина кўрсаткичлар бўйича аъло натижаларга эришдилар. Бунда энг муҳимига кўз жиҳатдан боғланинг ютуқлари бўлибгина қолмай, балки шундай мусобақалар жараёнида намоён бўлиши ва бизнинг кайфиятимиз ана шуларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

СУРАТЛАРДА: конкурс қатнашчилари, республиканинг барча томонларидан пойтахтга келган почтальонлар (чапдан ўнгга) М. Қурбонова; Н. Агафьева, М. Умурова, З. Ламешева, З. Маҳмудова, З. Слобко.

М. Нуриддинов фотолари.

• *Илғор тажрибалар адреси*

ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

Шароф Рашидов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат машъалларни сафи тобора кенгайиб бормоқда. Кўпстаночниклик ҳаракати ташаббускорларидан Сирожиддин Пўлатов, Михаил Попрацкий ва Сергей Прохоровлардан сўнг биринчи тўқув фабрикаси тўртинчи участкасининг мастер ёрдамчилари, комплекс бригада етакчиси Жўрабек Тўйчибоев ва шу бригада мастер ёрдамчиси Маҳмуд Қорабоев меҳнат календарида янги беш йиллик ҳисобини очиб, ўн биринчи беш йиллик план-топшириғини тўлатўкис адо этганликлари ҳақида рапорт беришди.

Бригада коллективи мана икки йилдирки, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги бригада методи асосида иш юритмоқда. Янги метод — муваффақиятлар гарови бўлаётир. Бригада аъзоларининг ҳаммаси ягона наряд асосида меҳнат қилишмоқда.

Юбилей йилини бригада коллективи қувончли натижалар билан бошладн.

Жўрабек Тўйчибоевнинг қарамоғида 96 та дастгоҳ бор. Норма эса 48 та дастгоҳ. У юқорн зичликда дастгоҳларнинг ҳамиша ишга шай, соз ҳолда бўлишини таъминлайдн. Мастер ёрдамчиси Маҳмуд Қорабоев эса яқинда дастгоҳларн сонини 104 тага етказдн.

Жўрабекнинг дастгоҳларидан беш йиллик бошдан буён 3 миллион 144 минг 700 метр юқорн сифатли хом сурп олинди. Маҳмуд Қорабоев қарамоғидагн дастгоҳларда эса беш йиллик бошидан буён 3 миллион 150 минг 100 метр сифатли газлама тўқилди.

—Коллективимиз «Ҳамма бир кишн учун, бир кишн ҳамма учун» принципи асосида меҳнат қилади. Яъни, ҳаммамизнинг қувончимиз ҳам, ташвишимиз ҳам ўртада. Ўзаро аҳиллик, уюшқоқлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан бир оила фарзандларидек тер тўкяпмиз, — дейди бригадир.

Бригаданинг Ҳабиба Азимова, Эльмира Абдуғаффорова, Лайло Харасова, Гуля Ширяева ва Жамила Иришева каби сергайрат, меҳнатсевар тўқувчи қизлари юқорн зичликда юксак унум билан меҳнат қилиб, коллектив ютуғига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Янги усул тўқувчи қизлар учун ҳам бир қатор афзалликларга эга бўлди. Жумладан, уларнинг ойлик маоши самарали меҳнат ҳисобига анча ошган. Шунингдек, ҳозир бригадада прогулчи, план бажармовчи ва интизом бузувчилар йўқ. Бирон бир тўқувчи ишга чиқмай қолса, албатта ҳамкасблари унинг дастгоҳларини ҳам ўзаро бўлишиб олишади.

Коллектив жонкуярлари юксак марраларни кўзлаб, жонажон республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейн ҳамда комбинатнинг 50 йиллик тўйини меҳнатда муносиб зафарлар билан қаршн олиш тараддудини кўришмоқда. Бригада аъзолари шу муборак айёмлар шарафига йиллик план-топшириқни бажаришга азму қарор қилишган.

Бригада сардорн Жўрабек Тўйчибоев ва илғор мастер ёрдамчиси Маҳмуд Қорабоевлар эса янги беш йиллик уфқлари тамон дадил одимлаб, юбилей тантаналарига қадар ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабкн йилн топшириғини уддалаш ниятида тер тўкишмоқда.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

Қўли гул усталар

Киров район «Зангори экран» ателеси ходимлари шаҳримизнинг барча меҳнаткашлари қаторн Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини ўзларининг муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилишган.

— Мақсадимиз район аҳолисига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш, — дейди ателье бошлиғи А. Исроилов. — Ателье радио ва телевизорлар ремонти бўйича кунига 36 нафар тажрибали уста аҳолн хизматига шай. Улар буюртма билан хонадонларга борганларида олдиларига қўйилган масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишлайдилар. Рангли, оддий телевизорлар, шунингдек турли маркадаги радиоприёмникларнн ремонти бўйича қўли гул усталаримиз А. Ҳакимов, Х. Муҳамедов, В. Штрекбейн, Х. Эшонқулов ва бошқалар намунали меҳнатлари билан буюртмачилар ҳурматини қозонмоқдалар.

Ремонт ишларининг 70 процентн буюртмачилар уйида бажарилади. Ёшларнинг тажрибали усталар билан ҳамкорликда ишлашига алоҳида эътибор бераяпмиз.

Хизмат вазифамизнимани тақозо этса, шундай ишлашга бел боғлаганмиз.

Ателье усталари тўрт ойлик план-топшириқларини 106 процент қилиб адо этдилар. Пландаги 92 минг сўм ўрнига 92 минг 600 сўмлик иш бажарилди. Коллективнинг рангли телевизор ремонти билан шуғулланувчи бригадаси усталари биринчи квартал кўрсаткичлари бўйнча энг пешқадам коллектив деб топилди.

Б. ҚОСИМОВ,
ТошДУ студенти.



● САБЗАВОТЛАР — ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

«ЯШИЛ КОНВЕЙЕР» МАРОМИ

Олой бозори территориясида жойлашган шаҳардаги энг йирик сабзавот магазинига 1984 йил ҳосили — сулотлари келтирила бошланди. Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозидан саримсоқ пиёз, редиска, карам қатъий график асосида етказиб бериляпти. Ана шу хўжалик меҳнатчилари бу йил савдо корхонасига олти минг тонна сабзавот ва мева етказиб бериш мажбуриятини олишган. Шуниси ҳам борки, дала неъматлари сифати ва турларига алоҳида эътибор беришга аҳд қилинган.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Ташплодоовошч» бирлашмасининг 1-хўжалик ҳисобидаги сабзавот магазинида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш пайти.

Т. Каримов фотолари.



ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Бу ерда чиқадиган «Ҳақиқати инқилоби савр» газетаси Совет-Афғон самарали иқтисодий ҳамкорлигига юксак баҳо бермоқда. Газета Афғонистонда СССР кўмаги билан 180 дан кўпроқ объект қурилганлиги ва барпо этилаётганини уқтириб, икки мамлакат биргаликда амалга оширган Нангарҳар водийсини ривожлантириш лойиҳасини алоҳида таъкидлайди. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилганлиги, деб уқтираги газета, 18 минг гектар қурғоқчил ерларни суғориш, бир қанча ихтисослашган фермалар ташкил қилиш имконини берди. Кейинги йилнинг ўзидагина Нангарҳарда барпо этилган комплекс бундан аввалги йиллардаги кўрсаткичлардан анча ўзиб кетиб, давлатга 35 миллион афғони миқдорида даромад келтирди.

АНҚАРА. Қимматчилик тез ўсиб бораётганлиги сабабли турк меҳнаткашлари н и н г турмуш шароитлари доимо ёмонлашмоқда. ТХА маҳаллий ахборот агентлигининг хабар беришича, кейинги ўн йил ичида энг зарур молларнинг нархи 27 баравар ошган. Яқиндагина нон, ёғ, гўшт, қанд-шакар, гуруч ва чой сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ўрта ҳисобда яна 20 процент қиматлашган. Шу билан бирга ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи жуда секинлик билан кўпаймоқда, бу эса уларнинг яшаш шароитларини янада кўпроқ мушкуллаштирмоқда.

Турк матбуотининг ёзишича, Туркия дуч келаётган жиддий социал-иқтисодий проблемаларга унинг Ғарб мамлакатларига қарамлиги ўсиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда.

Италияда ТАСС фотовиставкаси

РАВЕННА. Италиянинг шу шаҳрида ТАССнинг «Халқ маданияти дурдоналари» деган катта фотовиставкаси очилди. Виставка «Италия-СССР» жамияти, шаҳар ва вилоят маъмурлари билан биргаликда ташкил этилди. Шаҳарнинг марказидаги Кордини саройининг залларида жойлашган кўпдан-кўп хилма-хил фотосуратлар томошабинларни совет республикаларининг маданияти билан, Кремлнинг хазиналари билан, Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳарларнинг архитектураси, Палех миниатюралари билан таништиради.

Фотовиставкани очиш маросимида «Италия—СССР» жамиятининг раҳбарлари, парламент аъзолари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Равенна ҳокими коммунист Жордано Анжелини виставкани очиб, шаҳримизда ТАСС катта фотовиставкаси кўрсатилишини мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ишига қўшилган янги ҳисса деб биламиз, деди. Шаҳар аҳолиси совет халқига ғоятда хайрихоҳдир. Ўзининг фашистларга қарши анъаналари билан машҳур Равенна совет кишилари нацизм ва фашизм устидан галабага қўшган катта ҳиссани ҳеч қачон унутмайди. Экспозиция яққол кўрсатиб турган маданият ёдгорликларини совет давлати авайлаб асрамоқда, тинч ҳаёт учун, маънавий бойликларни кўпайтириш учун сақланмоқда.

КЕМАЛАР ТЎҚНАШУВИ

ТОКИО. Япония ҳарбий-денгиз кучларининг «Юсно» сув ости кемаси Сикоку оролидан 30 километр жанубн-шаркда Ҳиндистоннинг «Сатья канлаш» деган юк ташийдиган кемаси билан тўқнашиб кетди, деб хабар берди Кюдо Цусин агентлиги. Иккала кеманинг корпуслари шикастланди. Япония ҳарбий денгиз кучлари қўмондонлигининг эътироф этишича, тўқнашиб кетганлиги учун сув ости кемаси командири томомила айбдордир. Тўқнашиш пайтида «Юсно» кемалар ва самолётлар бн. лан биргаликда сув остн кемаларига қарши курашиш вазифаларини пиншиқтириш машқларида қатнашиб, сув остидаги ҳолатда борардн.

1978 йилнинг март ойидан берн Япония ҳарбий денгиз кучларининг сув остн кемалари сув устида сузадиган кемалар билан шу билан бешинчи марта тўқнашиб кетди.



ОДАМ ВА ОДАМИЙЛИК ҲАҚИДА

● Кенг бу оламда инсондан улуғ хилқат йўқдир, у ақли-заковати билан ҳамма тирик жонзотдан олдинда туради.

● Донолар, биз Одам Ато билан Момо Ҳавводан тарқалганмиз, деб ривоят қиладилар. Одам канча кўҳна бўлган сари, одам ақл-заковати шунчалар улғайиб бораверади.

● Одам Ер юзининг наққоши, у ерга доим кўркам, жозибали нақш беради, гўзаллигига гўзаллик бағишлаб, ўзи ҳам чирой очиб боради.

● Одам — пўлатдан қаттиқ, гулдан нозик.

● Инсоннинг хаёли товушдан тез, нурдан ўткир бўлиб, чексиз коинотни бир зумда тасаввур этади.

● Одам ақли билан бунёд бўлган нарсани ҳеч қачон табиат ҳам яратолмайди.

● Офтоб—нури, одам—меҳри билан улуғ.

● Меваси баҳраманд этгани учун одам-боғбон дарахтни парваришлагандек, марҳаматли, саховатли инсонни ҳамма шарафлайди.

● Яхшилик гул уруғига ўхшайди, ундан яхшиликлар ва гўзаллик пайдо бўлади.

ХИКОЯТ: Бир кампир йўл устида ётган тошларни йиғиб олиб, чеккага ташлаётган эди, бир йигитча ундан сўради:
— Бувижон, ўзингизни уринтирибсиз, нега тошларни териб юрибсиз?
Кампир йигитчага кулиб қараб турди-да, шундай деди:
— Оҳ болажоним, бу йўлдан одамлар ўтади, тайсалаб кетаётганлари тошларга қоқилиб, йиқилиб тушади... Одамлар қоқилмасин, йиқилмасин, йиқилмасин деб тошларни бир четга олиб ташлаяпман.

● Ҳамдард одам— мард одам!

● Одамнинг яхшилик қилиш ниятини—қуёш кўтарилиб, у одамлар йўлига нур тараб туради.

● Тўз ичган жойингни унутсанг, кейин бу ерда ҳеч қайдан яхшилик кутма!

● Яхшининг шарофати — чирог, Ёмоннинг касофати — димоғ.

● Яхшилик ҳеч зарари йўқ гўзал фазилат, ундан фақат лаззат туйғуси унади.

● Яхшилик — роҳат келтирур, Ёмонлик — офат келтирур.

● Инсон боласини севган, уни эъзозлаган одамнинг боши кўкка етади.

МАСАЛ: Бўри бир чўпоннинг кўппак итини деди:
— Одамни бунча яхши кўрасан, унга қарам бўлиб юргандан эркинликда ов қилиб, мазза қилиб яшамайсанми?
Кўппак Бўрига бундай деди:
— Сендек йиртқич туғилгандан, ёт бўлса ҳам Одам яхши. Унда меҳр бор, инжиқ бор. Унга қарам бўлсам ҳам, йиртқич бўлиб эркинликда яширин ов қилгандан кўра минг карра яхши, тинч-хотиржам яшайман, худди ит каби вафодорман.

● Тиратикон кўпинча ёлғиз яшаб, ёлғиз ўлими ўйлаган учун уни худбин дейишади.

ҲИКОЯТ: Ўзига тўқ, қайғуси йўқ бир киши бор эди. У енгил-елпи меҳнат қилиб, рўзғорига етадиган маблағ топиб кун кечирар, бирорга зиёни ҳам, фойдаси ҳам тегмас эди. Бир донишманд ундан сўради:
— Тинчмисиз бўтам, қандай ҳаёт кечираяпсиз?
У киши тинч ҳаётига шукроналар айтиб, шундай жавоб қилди:
— Рўзғорим бут, қориним тўқ, ҳеч нимадан қайғум йўқ.. Тинчгина яшаяпман.
— Одамларга ҳам бирор манфаатингиз тегадими, бўтам?— Яна сўради донишманд. — Ҳеч кимга марҳамат кўрсатганмисиз?
— Йўқ, бировга фойдам ҳам, зиёним ҳам тегмайди, холисаллинно яшайман.
—Ҳаётда топган-тутганини ўзи еб, ўзи ичиб, ёнидагиларни ўйламаслик ҳайвонга хосдир, — деди донишманд унга танбеҳ берган бўлиб, —одам одамни ўйламай яшаса, умри соядек беном-бенишон ўтади, сиз ҳам шундайдардан эмасиз...

Байт:

Дил қолдириб сўзлаган —имон эмас,
Ўз нафсини кўзлаган —инсон эмас.

● Кимки одамларга яхшилик қилмай юрса, назари ёмонлик ботқоғига оёқ босади.

● Яхшилик эскирмайди, эсдан ҳам чиқмайди.

● Одам ақлининг меваси— яхшилик.

Момонинг котиби
Тўлқин РАСУЛЕВ.



ҲАЁТИЙ МАНЗАРАЛАР

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали тантанали очиладиган кунга тўрт кун вақт қолди. Фестиваль Ташкилий комитети, Бош дирекцияси, шунингдек анжуманни муваффақиятли ўтказиш ишига сафарбар этилган барча ташкилотлар тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишди. Фестиваль экранида намойиш этиладиган фильмлар танлаб олинди. Жаҳондаги 80 дан зиёд мамлакат, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Африка миллий конгресси, Фаластин Озодлик Ташкилоти, тараққийпарвар Чили, ватанпарвар Сальвадор ташкилоти, АҚШдаги мексикалик мухожирларнинг Чикасокос группаси ва бошқа ташкилотлар фестиваль экранида тавсия этган фильмлар пойтахтимизга олиб келинди.



«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтадиган халқаро киноанжуман мафкуравий курашнинг муҳим ғоявий қуроли сифатида ижтимоий тараққиётга, жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, империализмнинг босқинчилик сиёсатини фош этишга катта ҳисса қўшади. Фестиваль экранига Ҳиндистон, Япония, Бразилия, Аргентина, Мексика, Африкадаги кўплигина мамлакатлар, Куба, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг прогрессив киносанъаткорлари тавсия этган картиналарда жаҳон халқларининг бугунги кунда тинчлик ва озодлик учун, миллий мустақилликка эришиш учун олиб бораётган кураши манзаралари атрофлича тасвирланган.

Жаҳон халқларининг бир-бирлари миллий маданиятлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишида, ижтимоий тараққиётнинг йўл ва формаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этадиган навбатдаги киноанжуман ҳар галгидек бу сафар ҳам уч қитъадаги прогрессив киносанъаткорлар учун чинакам ижодий мактаб бўлиб қоладн.

СУРАТДА: «Афғонфильм» кинокампанияси ва «Мосфильм» киностудияси ҳамкорлигида яратилган «Кобулнинг иссиқ ёзи» фильмидан кадр.

ФАН ОЛАМИДА НИМА ГАП?

ЯНГИ ЁҚИЛҒИ

Метанол — бензин (90 процент метанол, 10 процент бензин) аралашмаси билан ишловчи «Фордэкспорт» автомобиллари синовдан ўтказилмоқда. Метанол ёниш камерасига тушишидан аввал конверторда водородга бой бўлган аралашмага каталитик парчаланади. Бу аралашма эса, юқори иссиқлик бериш қобилиятига эга.

Синов вақтида метанол ёқилғисининг қатор афзалликлари билан бирга, айрим камчиликлари ҳам аниқланди. Бу ёқилғи бензинга қараганда двигатель қисмларини коррозияга кўпроқ учратар экан. Шунинг учун коррозиядан ҳимоялаш учун карбюраторларни никеллаш, ёқилғи бакларини эса зангламайдиган пўлатдан тайёрлашга тўғри келади.

ТИШ ЧЎТКАСИ

Японияда бандига титан оксидидан стерженъ ўрнатилган тиш чўткалари ишлаб чиқарила бошланди. Қуёш нури таъсирида стержендан электронлар учиб чиқа бошлайди. Электронлар чўтка ва тиш орасида электр майдонини вужудга келтиради. Электр майдони тишдаги «тош»ларни осон кетказишга ёрдам беради.

МИТТИ МАШИНКА

Японияда калькуляторли электрон ёзув машинкалари ишлаб чиқарила бошланди. Бу машинканинг оғирлиги 2 килограмму 200 грамм бўлиб, ёзиш билан бирга 4 амални ҳам бажариш имкониятини беради. Машинканинг шрифти электрон ҳисоблаш машиналарининг шрифтига ўхшамайди. Машинканинг лентаси магнитафон лентаси каби ўзгаради.

АНТИҚА ГАЗМОЛ

1400 даража цельсийгача бўлган ҳароратга чидайдиган газмол яратилди.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати.

ШАТРАНЖИ ҒОЙИБОНА



Клуб советининг раиси — гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ.

Ягона мақсадни кўзлаган, бутун ҳаётини шунга, яъни шахмат «тахт»ини эгаллашга тиккан, руҳан бақувват, лекин шахмат тожи учун курашда бегона юртларда яккаланиб қолганига ҳам қарамай Ватан шаънини улуғлашга ҳисса қўшган Александр Алёхиннинг қадри айниқса совет халқи учун салмоқлидир.

— Менинг учун, — деган эди бир неча тилда бемалол сўзлаша ва ёза оладиган А. Алехин, — шахмат ўйин эмас, санъатдир. Мен унинг санъат эканини исботлашнинг кафилини олишга тайёрман... Шахмат кишини дунёга объектив қарашга, ўзининг хато ва камчиликларига тўғри баҳо беришга ўргатади.

Биринчи рус жаҳон чемпиони А. А. Алехин (1892—1946) шахмат композициясини жуда яхши кўрган. У композиция (масала ва этюдлар)ни шахмат поэзияси деб атаган ва унинг шахматчиларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигига зўр эътибор берган. Ўзи ҳам бир қанча шахмат масалаларини ва этюдларини тузганлигига қарамай, уларни эълон қилмаган. Бунга асосан унинг камтарлиги ва айниқса ўзига ўта талабчан бўлганлигидир. Алехин қуйидаги масалани тахтага қарамай —фикран тузган.



Масаланинг шарти: оқлар бошлаб уч юришда қора шоҳни мот қилади. Редакциямизга тўғри жавоб йўллаганларнинг исми ва фамилияларини газетада эълон қилинади. Конверт устига «Камалак» шахмат клубига деб ёзиб, агар доналарга қўл урмай масаланн ечган бўлсангиз бунга қанча вақт сарфлаганингизни ҳам кўрсатиб қўйинг.

Бу-ку битта масала экан, Алехин бир йўла ўттизидан ортиқ тахтада ғоймбона, яъни улардаги доналарни кўрмай сеанс бера олган; бутун ҳаётида ўзи ўйнаган партиялардан ташқари бошқаларнинг ҳам яна минглаб ўйинларини ёд билган.

Рус шахмат мактабининг асосчиси Михаил Иванович Чигорнинн (1850-1908) нафақат кўрган, ҳатто у билан дона суриш бахтига сазовор бўлган СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Ф. И. Дуз-Хотимирский (1879-1965) республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, ҳатто қизил чойхоналарда ҳам кўплаб бир йўла ўйин сеансларн ўтказган, 1931 йили эса Узбекистон чемпионлигига сазовор бўлган. Бир вақтлар бўлажак илк рус жаҳон чемпионига мураббийлик қилган Дуз-Хотимирский ўзбек шахматчиларига ҳам раҳнамолик қилган экан. Республикамиз шахматчиларининг ижодий йўли буюк Алехинга борнб тақалади, дейишган халқимиз.

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
тайёрлаган.

ҚАТРА ФИКРЛАР

Зудлик билан уч ойда битказилган янги уй, икки йил ремонт қилинди.

* * *

Машинани бошқариб келаётган аёл шофёрни тўхтатган инспектор, унинг ичганичмаганини синаш учун «уф-ф» дедиришни қандай сўз билан айтишга қийналарди.

* * *

Оқибатли одамнинг баъзан оқибатсиз иш қилиши кишига алам қилади.

* * *

Насиҳатли қўшиқни насиҳат эшитмаган хонанда куйламасин экан.

* * *

Ичкилик магазинига кирганларнинг айримлари қийшайиб чиқарди.

* * *

Тил чегарадан чиқса, тишдан дакки ейиши яхши биларди.

Сандмурод САИДУЛЛАЕВ.

● Фарзандларингиз учун

БЕҒУБОР БЎЛСИН ОСМОН

Мақсадимиз тинчликдир.
Тинчлик бўлсин жаҳонда.
Тинчлик каптари эркин,
Қанот қоқсин осмонда.
Шум ниятли жаноблар,
Бошламоқчи урушни.
Дунёга солиб даҳшат,
Одамзодни қиришни.
Урушга қўймаймиз йўл,
Бу фикрдан қайтингиз.
Рўёбга чиқмас асло,
Хом хаёл, ниятингиз.
Дунёдаги ҳеч бир халқ,
Сира жафо кўрмасин.
Янграр барча тилларда:
— Асло уруш бўлмасин.
Ер ва кўёш дўстлиги,
Бузилмасин ҳеч қачон.
Шудир халқлар тилаги,
Беғубор бўлсин осмон.

Юнус ТОЛИПОВ,
ишчи.

ШАНБА ОҚШОМИ

● *Ҳайвонот олами сирлари*

«САҲРО МАЛИКАСИ» ЖАМОЛИ



Ўзбекистон фаунасининг ноёб турларидан бири —жайрон ҳайвонот оламининг сут эмизувчилар сафига киради. Жуфт туёқли ёввойи ҳайвонлар орасида алоҳида ўрин тутади. Жайроннинг силлиқ териси, ингичка ва чақкон оёқлари, сал орқага эгилган (лирасимон) шохи. бошини баланд кўтариб юриши ва бошқа хусусиятларига кўра уни «саҳро маликаси» деб аташ мумкин.

Жайрон СССРда — Закавказье, Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистонда учрайди. Ўтган асрда бу жонивор Ўрта Осиёнинг саҳро ва қўл зоналарида кўп тарқалган бўлиб, Бухоро, Хева атрофларида тез-тез учраб турар эди. XX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида, айниқса унинг марказий қисмида жайроннинг кўплаб тарқалганлиги маълум. Кейинчалик, айниқса сўнгги 15—20 йил ичида жайроннинг сони кескин камайиб кетди, ҳатто тур сифатида йўқолиб кетиш хавфи туғилди. Жайронлар одатда пода бўлиб яшайди. Улар сони 1—6, баъзан 20—30 тагача бўлиши мумкин. Йилнинг фаслига, уларнинг ёши турлича бўлишига, озуқанинг кўп ёки озлигига қараб жайрон галаларининг бош сони тез-тез ўзгариб туради. Улар қишда — совуқ тушганда жанубий районларга, ёзда — иссиқ тушиши билан эса, аксинча шимолий районларга қараб силжийди.

Жайронлар одатда сув манбаларидан унча узоққа кетмайди. Фақат баҳор вақтларида, яшил ва серсув озуқа мўл бўлган даврда сув манбаидан бир неча ўнлаб километр узоқлашиб, тоғ этакларига кўтарилади. Жайронлар икки йилда вояга етади.

Жайрон фақат мазали гўшти, чиройли териси учунгина қимматли бўлиб қолмай, «саҳро маликаси» ўзининг чиройли кўриниши билан инсонга катта эстетик завқ бағишлайди. Улар қўлга осон ўрганади.

Хўш, жайронни табиатда сақлаб қолиш ва сонини кескин кўпайтириш учун нима қилиш керак?

Ҳозирги вақтда жайронни овлаш қатъиян ман этилган. 1977 йилда жайронлар ҳаётини чуқур ўрганиш ҳамда уларни кўпайтириш мақсадида Бухоро шаҳри яқинида махсус жайрон питомниги (жайронхона) ташкил этилган. Территорияси 5145 гектар бўлган жайронхонага дастлаб 39 бош ҳайвон қўйиб юборилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 170 дан ошиб кетди. Бундан ташқари, Қизилқум ва Қорақум кўриқхоналарида истиқомат қилувчи жайронлар инсон ҳимояси остига олинган.

Жайрон ҳозирги вақтда «Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи» (МСОП), СССР ҳамда Ўзбекистон ССР «Қизил китоб»ларига киритилган.

Т. ҚОБИЛОВ,
биология фанлари кандидати.



Яхши дам— меҳнатга ҳамдам. Ҳамшаҳарларимиз дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун сўлим оромгоҳлар доим кучоқ очиб турадн.
СУРАТДА: Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг дам олиш зонасидаги кўлда сайр пайтн. М. Нурмддинов фотоси.

● ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

КРИПТОГРАММА

Азиз оқшомхон! Криптограмманн таърифи қуйида баён этилган «оч-қич» сўзлар жавобларини топиб, улар ёрдамида қал этсангиз, тожик совет шеърияти асосчиларидан бири Абулқосим Лоҳутийнинг тинчликни мадҳ этувчи шеърларидан икки мисра ўқийсиз.

1. Жаҳон тинчлик кенгаши раҳбари, ҳиндистонлик таниқли арбоб — 1, 14, 17, 12, 11. 5, 4, 7, 10, 1. 4.
2. Тошкент билан биродарлашган Африкадаги пойтахт шаҳар — 3, 6, 7, 2, 18.
3. Ўзбекистондаги оловкорлар шаҳри — 8, 4, 16, 15, 2.
4. Занг урадиган минора соат — 9, 6, 1, 4, 7. 3.
5. Тик ўсувчи танаси оқ дарахт — 13, 4, 19. 2, 7.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.



Шанба оқшоми саҳифасидаги кроссвордларга Д. Исмоилова, Ш. Ёқубова, Л. Жабборов, Р. Мадатбоев, Л. Қорахўжаева, Д. Иброҳимов, А. Орипов, С. Муҳсинов, Т. Тожиева, К. Давронов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

● «ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

«Қайрат» (Олмаота)

БУГУН

Марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича олий лигада қатнашаётган «Пахтакор» «Қайрат» командаси билан навбатдаги тур учрашувини ўтказади.

